

АЪЗАМ ИСМОИЛ БИЛАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ: ЁШЛАР УЧУН ИЛҶОМ ВА МАЪРИФАТ МАНБАИ

Қурбонова Матлуба Давроновна

Ахборот кутубхона маркази хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи

Мирзааҳмедова Ҳаётхон Эминжоновна

Ахборот кутубхона маркази библиографи

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва таржимон Аъзам Исмоил билан туман Ахборот-кутубхона марказида ўтказилган ижодий учрашув тафсилотлари ёритилган. Учрашувда мактаб ва коллеж ўқувчилари иштирок этиб, ижодкорнинг ҳаёти ва ижодий йўли, илк қадамларидан олийгоҳ ўқитувчисигача бўлган йўли ҳақидаги таассуротларини эшитдилар. Аъзам Исмоил ўқувчиларни катта мақсад қўйиб, тинимсиз меҳнат қилишга чақирар экан, ўз ижодий асарлари ва таржима фаолияти ҳақида ҳам маълумот берди. Учрашувда китобхонлар ҳам ўз шеърларини ўқиб беришди ва янги китоблар тақдимоти ўтказилди.

Калит сўзлар: Аъзам Исмоил, ижодий учрашув, таржима, мактаб ўқувчилари, кутубхона, “Ойга айтдим сиримни”, “Олмония. Қиш достони”, Наргиза Ортиқова, шеърини намуналар, “Ўрикчи ҳовли”, “Бир ҳовуч ҳайрат”.

КИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари мамлакатнинг адабий ҳаётида фаол иштирок этиб, турли ижодий ва маънавий-маърифий тадбирларда қатнашадилар. Уюшмага аъзо шоир ва ёзувчилар ёшларни маърифатга жалб этиш, ватандошлар ўртасида китобхонликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Туманимиз китобхонлари учун туман Ахборот-кутубхона марказида чинакам байрам бўлди. Сабаби Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси шоир адиб ва таржимон Аъзам Исмоил билан ижодий учрашув ташкилланди.

Учрашувга туманимиздаги 3, 4, 5, 55-умумий ўрта таълим мактаби ва коллеж ўқувчиларидан фаол китобхонларимиз ташриф буюрдилар.

Аъзам Исмоил — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг таниқли аъзоларидан бири бўлиб, адабиёт соҳасида фаол ижодкор ва таржимон сифатида танилган. У шеърини билан бирга, бадиий асарларни таржима қилиш билан ҳам шуғулланади.

Тадбир давомида шоир ўзининг ўқувчилик даврлари, илк ижод гулшанига кириб келиши, талабалик давридан олийгоҳ ўқитувчиси даражасигача бўлган даври ҳақида сўзлаб берди. Ижодидан намуналар ўқиб, китобхонларнинг қизиқтирган саволларига батафсил жавоб берди. Ижодкоримиз ўқувчиларга ҳар бир инсон олдида катта мақсад қўйиши ва бу мақсадга эришиши учун тинмай

ўқиши, изланиши, меҳнат қилиб, заҳмат чекиб эришиши мумкинлиги ҳақида ҳаётӣ мисоллар билан сўзлаб берди.

Ҳозирда эркин ижодкор “Ойга айтдим сиримни” “Кўргани келдим соғиниб” Немис ёзувчиси Ҳайнрих Ҳайненинг “Олмония. Қиш достони” асарининг таржима қилиш жараёнини гапириб берганда китобхонлар китобхонлар ҳаяжон билан тингладилар. Ижодкор шеърларидан китобхонларни баҳраманд этди уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Бундай ижодий учрашувлар, айниқса ёшлар учун катта аҳамиятга эга. Тадбирлар давомида ижодкорлар нафақат ўз ижодий йўли ва асарларидан намуналар билан ўртоқлашади, балки ёшларни илмга ва адабиётга қизиқтириш мақсадида мотивацион нутқлар ҳам қиладилар.

Тадбир давомида китобхонлар ҳам Наргиза Ортиқованинг шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Ахборот-кутубхона маркази мутахассиси Қизлархон Баратова томонидан шоиранинг “Ўрикли ҳовли”, Хавасхон Қўзиева томонидан “Бир ҳовуч ҳайрат” китобининг тақдироти ўтказилди.

Фарғона Давлат Университети Ўзбек филиологияси факультети “Тилшунослик” кафедраси илмий тадқиқотчиси бўлган ижодкоримиз учрашув сўнггида “Ўрикли ҳовли”, “Бир ҳовуч ҳайрат”, “Оқ булут соғинчи”, “Бахт қўнғироғи” номли китоби, адабий маъруза ва илмий мақолаларидан кутубхонага совға қилдилар.

Бу каби учрашувлар нафақат ёшлар, балки барча китобхонлар учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Улар орқали ёзувчи ва шоирлар адабиётнинг жамиятдаги ўрнини янада чуқурроқ тушунтириб, янги авлодни маданият ва маънавиятга ошно қилишни мақсад қилганлар.

Хулоса

Аъзам Исмоил билан ўтказилган ижодий учрашув маънавий ва маданий ривожланишда муҳим ўрин тутади, чунки бу каби тадбирлар ёшлар ва китобхонлар ўртасида билимга, адабиётга қизиқиш уйғотишга хизмат қилади. Учрашув давомида ёшлар ижодкорнинг ҳаётӣ тажрибалари ва ижодий йўли ҳақида тинглаш орқали нафақат ижодга илҳомланадилар, балки шахсий ривожланиш ва мақсад қўйишнинг аҳамиятини ҳам англайдилар.

Аъзам Исмоилнинг Ҳайнрих Ҳайне асарларини таржима қилиши эса ёшларга халқаро адабиётга кириш имконини беради. Бундай ижодий учрашувлар миллий ва жаҳон адабиётини уйғунлаштириб, маданий мулоқотни ривожлантиради. Ижодкорлар ўз асарларини ўқиш орқали нафақат ўқувчиларни адабиётга жалб қилади, балки маънавий қадриятлар, меҳнатсеварлик ва ижтимоий масъулиятни тарғиб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. www.google.co.uz
2. www.ziyounet.uz
3. www.ref.uz